

Омонулла ФАЙЗУЛЛАЕВ

XX *аср*

ЗИЁЛИЛАРИ

*устозларим
ва
сафдошларим*

I. ОТА-БОБОЛАРИМ

Президентимиз Ислом Каримов ўзбек халқи тарихини чуқур, кенг ва ҳаққоний равишда ўрганиш зарурлигини қайта-қайта таъкидламоқда. Тўғри, тарихсиз келажак бўлмайди. Тарих деганимизда, аввало, давлат тарихи, жамият тарихи, фан-техника тарихи, маданият тарихи, миллат тарихи кўз олдимизга келади, Шу билан бирга, яна бир қанча соҳалар тарихлари ҳам бор. Жумладан, аجدод-авлодлар тарихи. Бу соҳадаги фаннинг ҳозирги номи — «генеология».

Халқимиз орасида шундай гап бор: ҳар бир одам камида етти ота-бобосини билиши керак. Бу гап қадимдан. Лекин, шўро даврида аجدодларимизнинг ким эканлигини атайлабдан айтишмас эди, ҳақиқий тарихимизни билиш таъқиқланган эди. Қисқа қилиб айтсак, Амир Темур, ал-Бухорий, ат-Термизий, Яссавий, Нақшбанд, Кубро, Сухравардийлар бизнинг бобокалонларимиз десак, балого қолар эдик. Аксинча, ўша шўро даврида “Мен камбағал оиладанман, ота-боболарим ижтимоий ишларга, маънавият соҳаларига аралашаётган”, дейилсагина маъқул бўлар эди. Бўлмаса муҳим мансабларга қўйилмас эди. Ҳатто, баъзи шоирларимиз ундан ҳам ўтказишиб юборишди: “Биз ким эдик, қашшоқ, саводсиз халқ эдик”, деб. Ваҳоланки, халқимизнинг ота-боболари аввало, меҳнаткаш, ҳунарманд, бободехқон, маърифатпарвар, бинобарин, ўзини ўзи боққан, бировга қарам бўлмаган, саводхонлик авлоддан авлодга ўтиб келган. Хулоса шуки, аجدодларимиз маънавий бой бўлган.

Истиқлолимиз халқимизнинг минг йиллик ҳаққоний тарихини ўрганишга имконият туғдирмоқда. Тарих фанимизни холис ўрганиш вазифалари давлат даражаси мақомига кўтарилмоқда.

Шажара, гўё аجدод-авлодлардан ташкил топган бир “дарахт”, унинг илдизи бор, ҳар хил ёшдаги шохлари бор. Ўзбек халқининг бизга маълум бўлган шажараси ўша ал-Хоразмийлар, ал-Фарғонийлар, Берунийлар, Ибн Синолар, Яссавийу Нақшбандлар, Амир Темиру Бобурлар, Улуғбеку Навоийлар, Қодирийу Чўлпонлар ва кўп улуғ ўғлонлардан ташкил топган. Биз бундай асосий ва нуфузли шажарамиз билан фахрланамиз.

Аслида, ҳар бир одам ўз шажарасига эга. Ахир, отасининг отаси, унинг отаси ва ҳоказо Одам Атою Момо Ҳавогача борадида, аждод бўлмаса авлод пайдо бўлмайди-да?!

Биз бу ерда изоҳланаётган шажаранинг асосий қиймати шундаки, аждодларимиз шажара тузишни вазифа деб тушунишган, уни

Ўз замонларида расмий идоралардан тасдиқлатиб олишган, сўнг авлоддан авлодга узатишган ва ниҳоят, у бизгача етиб келди.

Менда ҳозир Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон Тошкандийнинг ўтган асрларда муҳрлар билан тасдиқланган бешта шажараси бор.

Бизнинг аجدод-авлодларимиз Тошкентнинг Кўкча даҳасида Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон Тошкандий (1164-1259) қабристони ва жомеъ-масжиди этакларида, мана 800 йилдан бери яшаб келмоқдамиз. Шайх Зайниддин Бободан бошлаб ота-боболаримнинг ҳаммаси шу қабристонда дафн этилган. У зотнинг ўзи Идрис Бободан бошланган шажаранинг 51-авлоди. Шу авлоддан бошлаб 78-авлод ҳисобланувчи Саййид Орифхўжагача йигирма етти аждод-авлодларнинг ҳаммаси Шайх Зайниддин Бобо мақбарасининг ўзида ёнма-ён ва кетма-кет дафн этилганлар. 79-авлод Саййид Фатхуллахўжа (1875-1952) коммунист бўлгани учун мақбаранинг ичига киритилмаган.

Урушдан аввал бу манзилгоҳ «Кўкча даҳа Шайх Зайниддин Бува мазори» дейиларди. 1939 йили катта кўчага «Вилоят» номи қўйилди (ҳозир «Маннон Уйғур кўчаси» деб юритилади), шу муносабат билан қабристон пештоқига «Вилоят мазори» деб ёзиб қўйилди, бу ҳаракат қадим маданий-маънавий арбоблар номини йўқотиш керак, деб ҳисоблайдиган динсиз мафкурачи амалдорлар учун жуда қўл келди.

Шундай қилиб, биз Шайх Зайниддин авлодимиз. Заррача мақтанишга ўрин йўқ, чунки ҳар бир одамнинг аجدодлари бўлмаса, ахир қаёқдан пайдо бўлган у?

Шундай экан, Шайх Зайниддин Бобо ҳам (рафиқалари Дарё Дил Бекач Момо билан) ҳаммамизнинг аждодимиздир. Чунки, ҳар бир инсоннинг ҳаётдаги асл моҳияти — маъноси ижтимоий ҳаётнинг намоён бўлишидир. Биз Ватанимиз ижтимоий ҳаёти тарихий ривождаги «занжир»нинг биттадан «халқача»симиз. Силсилалар кўп марталар бир-бирига чатишиб кетган. Мутлақ алоҳида бир аждод-авлодлар йўқ. Масалан, Пушкин билан Лев Толстойлар шажаралари бир нуқтада тугашади: Лев Толстойнинг бувисининг бувиси Пушкиннинг бувиси билан опа-сингилдирки, бу умумий шажаранинг авлодлари бутун дунёга тарқалиб кетган.

Эсимда бор, менинг бувам Саййид Фатхуллахўжа Орифхўжаевнинг битта кичкина пўлат сандиғи бўлар эди. Унда фақат битта узун қоғоз сақланар — у ҳам бўлса, «Ал-ҳамду лиллоҳил лази фаззал ал авлод...» сўзлари билан бошланган шажара эди. Шажара-

нинг «Наҳмудуҳу ва нусали...» сўзлари билан бошланган иккинчи нусхасини эса менга марҳум амакиларимиздан Абдуллаҳўжа ака берганлар. Учинчи нусхани бошқа бир амаким Саййид Салоҳиддинхўжа шоир Алоиддинхўжа ўғли қўлғезмаларидан (қариндошимиз Шаҳобиддинхўжа ёрдамида) қўчириб олганман. Тўртинчи нусха «Насаб шажаралари» бўлиб, унда 27 аجدод-авлодларнинг рўйхати берилган. Бешинчи ҳужжат - Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлғезмалар бўлимида сақланаётган папка №80, ҳужжат №664.

Биринчисида расмий ҳуқуқ идораларининг 13 та муҳри босилган: 1) Қози Мулло Бой Мирзо бин Мирзо Оғалик; 2) Қози Муҳаммад Шариф Хўжа судур бин Подшоҳхўжа Умарий, Хувал Қодир Шайх Ҳованд Тахурий; 3) Домло Абдурасул Аълам бин Домло Мир Ашур; 4) Муҳрни ўқиб бўлмади; 5) Қози Эшон Азизхўжа бин Эшон Хўжам Шайхулислом марҳуми; 6) Мулло Муҳаммад Зоҳир Аълам бин Домло Отажон марҳуми; 7) “Лутф этиб чун бил ани хатосига қалам, ўзи олий харжина бўлди Ҳақимхон Аълам”; 8) Қози Муҳаммад Турди бин Раҳимжон; 9) Қози Исохўжа бин Қози Азизлархўжа; 10) Мулло Орифхўжа Аълам бин Қози Муҳаммад Шарифхўжа судур шин; 11) Аҳмад хўжа муфти бин Қози Маҳмудхўжа; 12) муҳрни ўқиб бўлмади; 13) муҳрни ўқиб бўлмади.

Иккинчи ҳужжатда олтита муҳр бор: 1) Мулло Мир Холиқ ибн Мулло Раимхон Хўқандий; 2) Қози Муҳаммад Азим бин Муҳаммад Ражаб; 3) Қози Муҳаммад Муҳиддинхўжа бин Қози Муҳаммад Аъзамхўжа марҳуми; 4) Ал-Аълам ул хайл Муҳаммад Содик; 5) Қози Шоҳ Жунайд Маҳдум бин Домлажон марҳуми; 6) Қози Абдурасулхўжа бин Яъқубхўжа марҳуми.

Учинчи ва тўртинчи шажараларда муҳр йўқ.

Бешинчи ҳужжатда (Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлғезмалар бўлими, папка №80, ҳужжат №664 а)38 та муҳр бор: 1) Абдулазизхон ибн Абдуллохон; 2) Мулло Холиқ қули Қози ибн Юнусбой; 3) Муҳаммад Алихон ибн Умархон; 4) Мулло Ҳокимжон Қози ибн Каримберди бой; 5) Ойхўжа Қози ибн Офоқхўжа Алавий; 6) Муҳаммадхон ибн Алихон ҳожи; 7) Саид Яъқубхўжа Қози ибн Қорихўжа Эшон; 8) Мулла Муҳаммад Азим Қози ибн Мулла Кенжабой марҳуми; 9) Қози Муҳаммад Розик ибн Хўжа Беҳбуд; 10) Мир Абдул Фаёз Муфти ибн Қози Мир; 11) Мир Раҳим Қози; 12) Охунхўжа ибн Мир Жамолиддин Хўжа; 13) Тўрахўжа

Қози калон ибн Хонхўжа Қози Умарий; 14) Шодихўжа Аълам ибн Муҳаммадхўжа Ҳасаний; қолган 25 та муҳрни ўқиб бўлмади.

Шундай қилиб, Шайх Зайниддин Бобо Тошкандий шажараларининг учта ҳар хил нусхасида ҳаммаси бўлиб 57 та қозикалонларнинг муҳри, яъни ўз вақтларидаги юридик ташкилотлар бошлиқларининг расмий тамгалари босилиб тасдиқланган. Бу юридик ҳужжатлар ниҳоятда тўғри ва нуқсонсиз бўлишликлари ҳақида шу ҳужжатларда ёзилиб қолинган қозикалонларнинг таъкидлашларидан мисоллар келтирамиз: “Мазкур Норхўжа азизлар (76-авлод) узоқ муддатлар давомида ... нойиблик мартабасида қиём кўрганлиги ўз даврининг султонлари ва умаролари томонидан берилган ҳужжатларда ўз аксини топган, умаро ва ҳоқонларнинг берган ёрлиқлари шундан далолат беради”, “Мазкур ҳужжат султонлар муҳри билан тасдиқланган”, “марҳаматли хоннинг олий иноятнома ҳужжатида шунга ишора қилинган”, “мазкур ҳукм шаръан тўғри ва бажарилиши вожиб бўлиб, ишончли кишилар ҳузурида қабул қилинди ва мазкурни ўзгартириш мумкин эмас”, “ҳужжатнинг асл нусхасидан кўчириб ёзилди”, “мазкур ҳар қандай шак-шубҳалардан халос қилгай”, “мазкур ҳужжатнинг асл нусхаси шаръан тўғри ва машҳур амиралмуслим Умархон жаннатмаконнинг ҳамда амир ал-муслимин шаҳид Муҳаммад Алихоннинг табаррук муҳрлари билан безалганки, уларнинг ҳар бирлари Ислом подшоҳлари бўлиб, Фарғона ва Шош шаҳарлари ҳамда Дашти қипчоқ ва унинг атрофларининг ҳукмронлари эдилар”. Шунингдек, “Қўқон Дорулсалтанатининг қози калони Домла Мир Абдурахимнинг ҳамда Шош шаҳрининг қози калони Домло Муҳаммад Раззоқнинг ва бошқа муҳтарам уламою фузалоларким замона пешвоси ва асрнинг ягонаси эдилар, муборак муҳрлари билан тасдиқлаганлар” каби расмий жумлалар ёзилган. Бу қозилар ва уларнинг муҳрларини ўрганиш ҳуқуқ тарихини ёритишда жуда қизиқарли илмий манба бўлиб хизмат қилса, ажабмас.

Муҳрлар босилган даврлар саналарига келсак, ҳозир думалоқ муҳр (печать)да йил-ой-кун бўлмаганидек, у вақтларда ҳам бу нарсалар йўқ экан. Шунинг билан бирга, баъзан муҳр ёнида қуйидаги саналар қўйилган: “1215(1804 йил)”, “1236 йил раббиал аввал (1820 йил декабр)”, “1281 йил (1864 йил)”, “1293(1876)”, “1301 йил 17 жумадул аввал(1884 йил 16 март)” саналари қўйилган. Демак, ўтмишда қозикалонлар муҳрлари билан тасдиқланган мазкур ҳужжатлар ўз навбатида янада қадимийроқ ҳужжатлар замирида тузилгандир. Чунончи, ҳужжатларда 60 ва 61-аждодлари-

миз Саййид Тоҳирхон Шайх ва Саййид Олимхон Шайхларнинг шажара тузишдаги хизматлари таъкид этилади. Ва, “Авлодларимиздан умид ва илтимос — шу зотларга бизларнинг қардош ва қариндошларимиз ким бўлса, ота-боболарин топиб, ушбу шажарага шуъбаларин келтириб, қўшсалар керак”, деб умид қилганлар.

Ушбу шажара ҳужжатлари форс-араб тилларида тузилган, уларни бизнинг илтимосимиз билан шу соҳанинг моҳир мутахассислари Турғун Файзиев ва Ашурбек Мўминовлар ўзбекчалаштирди. Шунинг ҳам айтиш керакки, Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Беруний номидаги Шарқшунослик институти Қўлёзмалар хазинасида сақланаётган шажара матнининг бир қисми ўзбек тилидадир. Шарқшунослардан Қувомиддин Муниров, Шамсиддинхон Бобохонов ва Ашраф Аҳмедовлар ҳам бизга қўмаклашди. Шу билан уларнинг ҳаммаси халқимизнинг эллик асрлик аجدодлари бир қисмининг руҳини шод этдилар, деб тушунамиз. Бу иш, албатта, давом этажак.

Шажара ҳужжатларида “Маърифатли хон ва ҳоқон Муҳаммад Баҳодирхон жаннатмаконнинг даврида”, “Абул Музаффар вал Мансур олишон Скандар Муҳаммад Султоннинг даврида”, “Жаннатмакон Таваккал Муҳаммад Баҳодирхоннинг замонида”, “Улуғ мартабали, тинчлик ва омонликнинг сабабчиси, зулм ва адоват уруғини йўқотувчи, ҳоқон ибн ҳоқон ҳазрат амир алмуслимин Саййид Муҳаммад Умар Олий ҳазратнинг кундан-кун равнақ топаётган ҳукумат ва давлатлари соясида” тузилган бу ҳужжатлар Ватанимиз тарихининг ўрганилмаган саҳифаларини ёритиш учун ҳам хизмат қилади.

Шайх Зайниддин Бобонинг ўзлари ким, нечук у зот шундай улуғ ҳурматга сазовор, у инсоннинг ижтимоий, тарихий хизматлари ва жамиятдаги ўрни қандай бўлган? Бу саволга жавобан ушбу ҳужжатларда берилаётган баҳоларни санаб ўтиш билан кифоялана қолайлик: “У – саййидларнинг улуғи ва шариф кишиларнинг кароматлиси ва буюғидир”, “Орифларнинг қутби ва ишончли раҳномаси жаноб Шайх Зайниддин Кўйи Орифхон”, “Шайх Зайниддин – увайсий инсон бўлиб, чексиз кароматлари бор эди”.

Шайх Зайниддиннинг оталари — Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Суҳравардийдир. У киши атоқли олим ва жамоат арбоби бўлиб, «суҳравардиййа» тасаввуф тариқатини яратганлар. «Аворуф ул-маориф» номли машҳур китобнинг муаллифи. Бу китоб араб, форс, инглиз, немис ва бошқа тилларда кўп марталаб нашр этилган. Суҳравардий китобининг ҳатто бундан йигирма йил ил-

гари Берлинда нашр этилиши бежиз эмас. Бу китобда илм-фанга қандай муносабатда бўлиш керак, одамнинг хулқ-атвори, одоб-ахлоқи, жамиятда ўзини қандай тутиши кераклиги, покланиш усуллари, комил инсон бўлиш учун маорифу маърифат, маънавият-маданият имкониятларидан фойдаланиш лозимлиги тушунтириб берилади. Шу билан бирга, у киши давлат ва жамоат арбоби ҳам эди. XIII аср бошларида Хоразм, Салжукия, Ироқ ва Эрон ўртасидаги давлатлараро жанжалларни диний арбоб ва элчи сифатида босдирган шахс ҳам мана шу Шайх Шаҳобиддин Абу Хафс Умар Сухравардий бўлган.

Мана шундай давлат ва дин арбоби, буюк мутасаввиф олим Сухравардийнинг ўғли Тошкентда кўп савобли ишлар қилган жамоат арбоби Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон мақбараси юз йиллар ўтибдики, атоқли алломай-фузалолар учун ҳам, арбобу фуқаролар учун ҳам азиз зиёратгоҳга айланган. Чунончи, Соҳибқирон Амир Темур бобомиз XIV аср охири ва XV асрнинг бошларида Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон Тошкандий мақбарасини уч марта зиёрат қилдилар ва мақбарани қайтадан таъмир эттирдилар. Машхур давлат ва дин арбоби Хўжа Аҳрор Валий ҳам Самар-қанддан келиб, ушбу мақбарани бир неча марта зиёрат қилганлар. Навоий бобомиз ҳам ўз китобларида Сухравардийлар сулоласини хурмат билан тилга олганлар. Шуни ҳам айтиш жоизки, машхур мутафаккир ва шоир Шайх Саъдий "Бўстон" китобида Сухравардийни ўз устозим, деб эътироф этган.

Шайх Зайниддин Бобо Кўйи Орифон Тошкандийнинг Тошкент шаҳри Кўкча даҳасидаги мақбараси ҳудудидаги жомеъ масжиди ҳозирги кунда замонавий кўринишда қайта таъмирланди. Бундай савобли ишга қўл ураётган ватандошларимизга ота-боболаримизнинг руҳлари ёр бўлсин!

Шажарада одатда дарахт устун ва шохлари кўрсатилади. Бу ерда шажара бундан беш минг йил илгари ўтган Идрис бободан бошланган бўлиб, шохлар, яъни амакиваччалар ва аммаваччалар сони жуда кўплигидан улар номларини кўрсатиш имкони бўлмади. Рақамлар аجدод-авлодларнинг кетма-кетлигини ифодалайди:

30. Саййид Файзуллаҳўжа (1903-1934)

29. Саййид Фатхуллаҳўжа (1875-1952)

28. Саййид Орифхўжа (1840-1922)


27. Саййид Маҳмудхўжа (1810-1891)

26. Саййид Норхўжа (1778-1863)

25. Саййид Шоҳ Бузрукхўжа

24. Саййид Шарифхўжа
23. Саййид Бузрукхўжа
22. Саййид Яъқубхўжа
21. Зулфиқор Шайх
20. Саййид Шукурхўжа
19. Саййид Ҳайбатулло Шайх
18. Саййид Хўжахон
17. Абдурахмон Хўжа Валий
16. Улуғ Хўжаҳожӣ Ҳармайн
15. Хўжа Абдулазиз Баҳодирхон
14. Хўжа Низомиддин Шайх
13. Саййид Камолиддин Муҳаммад Тўлакхон
12. Саййид Абдул Ғаффор Шайх
11. Саййид Олимхон Шайх
10. Саййид Тоҳирхон Шайх
9. Саййид Мўминхон Шайх
8. Саййид Дарвеш Шайх
7. Шайх Хоуванд Сармаст (Пирмаст)
6. Шайх Фатхуллохўжа Шайх
5. Ҳабибуллохўжа Шайх
4. Ҳазрат Тоҳиддин Шайх
3. Ҳазрат Фатхулло Шайх
2. Саййид Шайх Алоиддинхўжа
1. Шайх Зайниддин Кўйи Орифхон Тошкандий (1164-1259)

Ҳозир шажаранинг 31-35 авлодлари яшамоқда. Аجدод авлодлардан машҳур зиёлилар чиққан: шоир Хислат Эшон, адабиётшунос Ҳамид Сулаймон, моҳир таржимон Насибулла Ҳабибуллаев, академик Жорулла Файзуллаев...



Чингиз Айтматов: "Аксакал Омонулла Файзуллаев, в Вашем лице я вижу потомственного Узбекского интеллектуала, сочетающего в себе блеск восточной философии с аналитическим мышлением современной рациональной цивилизации"

ISBN 978-9943-355-05-7



9 789943 355057